

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.06/29.10.2021.V.139.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**БАРАТОВ ЖАХОНГИР НУРМУХАММАДИЕВИЧ**

**ҚОРАМОЛЛАР ПИРОПЛАЗМОЗИГА ҚАРШИ МАХСУС  
ПРОФИЛАКТИК ВОСИТА**

**03.00.06 - «Зоология»  
(Ветеринария фанлари)**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2023**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по ветеринарным наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences**

**Баратов Жахонгир Нурмухаммадиевич**

Қорамоллар пироплазмозига қарши махсус профилактик восита ..... 3

**Баратов Жахонгир Нурмухаммадиевич**

Специфическое профилактическое средство против пироплазмоза крупного  
рогатого скота ..... 23

**Baratov Jakhongir Nurmukhammadievich**

Specific prophylactic agents against pyroplasmosis in cattle ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.06/29.10.2021.V.139.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**БАРАТОВ ЖАХОНГИР НУРМУХАММАДИЕВИЧ**

**ҚОРАМОЛЛАР ПИРОПЛАЗМОЗИГА ҚАРШИ МАХСУС  
ПРОФИЛАКТИК ВОСИТА**

**03.00.06 - «Зоология»  
(Ветеринария фанлари)**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/V1 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида жойлаштирилган.

|                            |   |
|----------------------------|---|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | <b>Гафуров Ақтам Гафурович</b><br>ветеринария фанлари доктори, профессор  |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Орипов Анвар Орипович</b><br>ветеринария фанлар доктори, профессор<br><b>Турабаев Нурпулат Жамалович</b><br>ветеринария фанлар номзоди |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси</b>   |

Диссертация ҳимояси Ветеринария илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.06/29.10.2021.V.139.01 рақамли илмий Кенгашнинг 2023 йил «10» 02 соат 1400 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 141500, Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Тойлоқ шаҳарчаси, Беруний кўчаси 35 уй. Тел.: (+99866) 666-56-60; факс: (+99866) 666-56-66; e-mail: viti@vetgov.uz).

Диссертация билан Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6305 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 141500, Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Тойлоқ шаҳарчаси, Беруний кўчаси 35 уй. Тел.: (+99866) 666-56-66; факс: (+99866) 666-56-60; e-mail: viti@vetgov.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «20» 01 куни тарқатилди.  
(2023 йил «20» 01 даги № 4 - рақамли реестр баённомаси).

  
**Б.А.Элмуродов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, вет.ф.д., профессор  
**Ж.М.Исаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.д., катта илмий ходим  
**Г.Х.Мамадуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., катта илмий ходим

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда Республикамизда чорвачиликни ривожлантириш, чорва молларининг махсулдорлигини ошириш ҳамда аҳолини сифатли, экологик тоза чорва махсулотларига бўлган талабини қондириш, хориждан келтирилган зотли ва махсулдор қорамолларни пироплазмидозлар (пироплазмоз, бабезиоз, тейлериоз) билан зарарланишини олдини олиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳайвонлар касалликларини ўрганувчи Халқаро илмий-тадқиқот лабораториясининг ҳисоботига кўра, «Шарқий, Марказий Осиё ва Африка мамлакатларида йилига 2,5 млн. бошдан кўпроқ қорамол тейлериоздан нобуд бўлиб, касалликдан кўрилган иқтисодий зарар 250 млн. АҚШ долларини ташкил қилганлиги тўғрисида маълумотлар берилган»<sup>1</sup>. Республикамизда мазкур касалликларга қарши янги биологик препаратлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш долзарб илмий-амалий масала ҳисобланади.

Дунё микёсида қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида пироплазмидозларнинг тарқалиш и, мавсумий кечиши, даволаш ва олдини олиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган. Бугунги кунда олиб борилаётган тадқиқотларнинг асосий мақсади, протозоозларнинг ривожланиш механизмини аниқлаш, касалликларга қарши кураш ва олдини олишда ҳудуднинг биоэкологик омилларини эътиборга олган ҳолда даволаш учун замонавий антипротозой препаратларни қўллаш, ҳамда етарли даражада иммунитет ҳосил қилувчи эмламаларни яратишга қаратилган. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари олимлари томонидан протозоозларни даволаш ва профилактика қилувчи препаратларни ишлаб чиқиш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда қорамолларнинг пироплазмидозларининг тарқалиши, мавсумий динамикаси, даволаш ва олдини олиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, қорамоллар орасида кенг тарқалган протозоой касалликлардан юқори даражада талофат берадигани - пироплазмозга қарши курашишнинг замонавий, тежамкор, юқори самарали, экологик тоза усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, уни амалиётга жорий этиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимизга четдан олиб келинаётган зотли, наслдор қорамолларни протозой касалликларга қарши даволаш ва профилактика чора-тадбирлари борасидаги изланишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чорвачиликни ривожлантиришда деҳқон-фермер, шахсий ва ёрдамчи хўжаликларнинг фаолиятини яхшилаш муҳим эканлигини эътиборга олиб, айнан шу тоифа хўжаликлар чорва моллари орасида учраётган пироплазмидозларга қарши курашиш учун профилактик воситалар ишлаб чиқиш, ҳамда қарши кураш чора-тадбирларини такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Заблоцкий В.Т. Основные итоги и перспективы научных исследований //Вестник ветеринарии. Россия -2012 г. С. 11-15.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»<sup>2</sup>ги, бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида Давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-4841-сон «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа барча меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқотлар республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Республикамизнинг турли хил географик - иқлим ҳудудларида қорамоллар пироплазмидозларининг эпизоотик ҳолатини ўрганиш ва уларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирлари бўйича А.В.Богородицкий, К.А.Арифджанов, И.Х.Расулов, Т.Х.Рахимов, Э.К.Шмунк, М.Т.Турсунов, А.Ғ.Ғафуров, Х.П.Нурмаматов, Ў.И.Расулов ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек дунё миқёсида А.А.Адлер, В.Эллендоген, Р.Бishop, Л.Соггешалл, Р.Нашеми-Фешаки, Е.Сергент, В.Шимизу, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида Н.И.Степанова, Л.П.Дьяконов, В.Т.Заблоцкий, Н.А.Золотарев, А.А.Агаев, Л.М.Целишев, А.К.Мавсумзоде, Г.Н.Шахматов, Й.И.Карпужин, А.А. Мирзабековлар қорамоллар пироплазмидозларининг турли иқлим минтақаларда тарқалиш даражаси, биологияси, морфологияси, клиник белгилари, даволаш ва олдини олиш ҳамда паразитлар ҳаётий фаоллик давомийлигини аниқлаш устида илмий тадқиқотлар олиб борилганлар.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқотлари Ветеринария илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқотлари режасининг №ҚХА-9-008 «Қорамолларнинг пироплазмидоз ва гельминтозларига қарши даволаш ва профилактика услуб ва воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш» (2012-2014 йй.),

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сон Фармони.

№ҚХА-9-016 «Қорамолларнинг пироплазмидоз касалликларини даволаш ва олдини олиш усуллари ва омилларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Жиззах вилоятининг турли хил географик-иқлим ҳудудларида қорамоллар пироплазмидозларининг эпизоотик ҳолати ва қон сўрувчи каналар фаунасини аниқлаш, касалликларни профилактика қилиш учун янги маҳаллий *Piroplasma begimum* уз штаммидан махсус профилактик восита яратиш ва ветеринария амалиётига жорий этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Жиззах вилоятининг турли хил географик-иқлим ҳудудларида қорамоллар пироплазмидозларининг эпизоотияси ва касаллик тарқатувчи каналар фаунасини аниқлаш;

пироплазмозга қарши *Piroplasma begimum* уз штаммидан махсус профилактик восита яратишнинг технологик регламентини ишлаб чиқиш;

*Piroplasma begimum* уз штаммидан тайёрланган махсус профилактик воситанинг зарарсизлиги, эмбриотоксик хусусиятлари, реактогенлиги ва сигирлар сўт маҳсулдорлигига таъсирини аниқлаш;

*Piroplasma begimum* уз штаммидан тайёрланган махсус профилактик воситанинг пироплазмоз ва бабезиознинг ассоциатив шаклига қарши профилактик самарадорлигини экспериментал ва ишлаб чиқариш тажрибаларда аниқлаш;

*Piroplasma begimum* уз штаммидан тайёрланган махсус воситанинг қорамоллар пироплазмозини профилактика қилишдаги иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

қорамоллар пироплазмозига қарши курашиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Жиззах вилояти Ш.Рашидов, Пахтакор ва Ғаллаорол туманлари хусусий, ёрдамчи, дехқон-фермер хўжаликларидаги қорамолларда паразитлик қилувчи турли каналар, пироплазмидоз билан касалланган ҳайвонлар қон намуналари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида тажрибадаги қорамоллар қонидаги *P.bigeminum*, *B.colchica*, *Theileria annulata* касаллик қўзғатувчилари, пироплазмозга қарши махсус профилактик восита билан эмланган қорамолларнинг қон суртмаси ва эритроцитлардаги паразитлар хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни олиб боришда паразитологик, клиник, гематологик, морфологик, патологоанатомик ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Жиззах вилоятининг турли географик иқлим ҳудудларида касалликни тарқатувчи каналардан: *B.calcaratus* 72 %, *H.anatolicum* 70%, *H.detrutum* 20 % эканлиги аниқланган;

пироплазмозга қарши *Piroplasma begimum* уз штаммидан тайёрланган

махсус профилактик воситанинг технологик жараёни ишлаб чиқилган;

*Piroplasma begimimum* uz штаммидан тайёрланган махсус профилактик воситанинг зарарсизлиги, эмбриотоксик хусусиятлари, реактогенлиги ва сигирларнинг сут махсулдорлигига салбий таъсир қилмаслиги аниқланган;

қорамоллар пироплазмозини профилактика қилишда ишлаб чиқилган *Piroplasma begimimum* uz штаммидан тайёрланган махсус воситанинг профилактик самарадорлиги экспериментал ва ишлаб чиқариш тажрибаларида 6 ойгача бўлган муддатни ташкил қилиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Жиззах вилояти ҳудудларида қорамолларда пироплазмидозларнинг тарқалиш даражаси ва мавсумий динамикасини ўрганиш натижасида пироплазмоз 18%, тейлероз 24,7% учраганлиги аниқланган ва касалликларга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

илк бор *Piroplasma begimimum* uz штаммидан ишлаб чиқилган махсус профилактик воситанинг пироплазмозни профилактика қилишдаги самарадорлиги сарфланган 1 сўмга 11 сўмни ташкил қилганлиги аниқланган ва амалиётга қўллаш учун тавсия қилинган;

*Piroplasma begimimum* uz штаммидан тайёрланган махсус профилактик восита ветеринария амалиётида Жиззах вилояти Ш.Рашидов ва Дўстлик туманлари чорвачилик хўжаликларида қорамоллар пироплазмозини профилактика қилиш учун жорий этилиши натижасида касалланиш даражасини минимумга келтирган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Текширишларнинг замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, клиник, морфологик, гематологик, паразитологик услублардан ҳамда бошланғич маълумотларга статистик ишлов берилганлиги, шунингдек олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўтказилган тажрибалар билан таққосланганлиги, лаборатория, хўжалик тажрибаларининг далолатномаларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқланиб ижобий баҳоланганлиги, изланиш натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорамоллар пироплазмозини эпизоотиясининг ўзига хос хусусиятлари таҳлили, каналар фаунаси, касалликнинг тарқалиш тенденцияси ва шу асосда касалликни олдини олиш учун *Piroplasma begimimum* uz штаммидан махсус профилактик восита тайёрлашнинг технологик назарияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жиззах вилояти туманларида, ҳамда шахсий-ёрдамчи, дехқон-фермер хўжаликларида қорамоллар пироплазмозининг эпизоотик ҳолатининг таҳлили ва паразитлик қилувчи каналар фаунаси аниқланган. *Piroplasma begimimum* uz штаммидан тайёрланган махсус профилактик воситани қўллаш натижасида шахсий-ёрдамчи, дехқон-фермер хўжаликларида пироплазмоздан соғломлаштириш

усуллари жорий этилган, касаллик минимал даражага олиб келинган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жиззах вилоятининг турли иқлим-географик ҳудудларида қорамоллар пироплазмидоз касалликларини профилактика қилишда янги усулларни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

Қорамолларнинг пироплазмозига қарши «Радиобиологическая вакцина для специфической профилактики пироплазмоза крупного рогатого скота и способ её использования» мавзусида 1 та ихтирога патент олинган (№ IAP 04997) ва амалиётда қўллаш учун тавсия қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2022 йил 10 мартдаги 02/23-91-сон маълумотномаси). Ушбу махсус воситани қўллаш натижасида Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани «Жавохир Пирматов», «Турдубек» ва «Умид-Б» чорвачилик хўжаликларида қорамолларнинг пироплазмоз билан касалланиши бартараф этилган.

«Қорамоллар қон-паразитар касалликларига қарши даволаш-профилактика чора-тадбирларининг замонавий услуб ва воситаларини қўллаш бўйича» тавсиялар ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Давлат Ветеринария Бош Бошқармаси томонидан 9 июл 2014 йилда тасдиқланган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2022 йил 10 мартдаги 02/23-91-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни ветеринария амалиётида жорий этилиши натижасида қорамолларнинг пироплазмоз билан касалланиши минимал даражага камайган.

«Қорамолларнинг қон-паразитар касалликларига қарши курашиш тўғрисида» қўлланма ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Ветеринария Бош Бошқармаси томонидан 2016 йилда тасдиқланган ва пироплазмозни даволашда илмий услуб сифатида фойдаланилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2022 йил 10 мартдаги 02/23-91-сон маълумотномаси). *Piroplasma begimimum* уз штаммидан тайёрланган махсус профилактик воситани қўллашдан олинган иқтисодий самарадорлик ҳар бир бош қорамол учун 607111 сўмни ташкил этган. Пироплазмозни профилактика қилишда сарфланган 1 сўм харажатга 11 сўм иқтисодий самара олинган. Тавсия этилган чора-тадбирларни ишлаб чиқариш шароитида жорий этиш ҳисобига қорамоллар пироплазмозидан даволаш ва олдини олишда юқори самарадорликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2011-2021 йилларда Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг Услубий ва Илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Илмий тадқиқот ишлари натижасида жами 10 та, шу жумладан 4 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган: 1 та патент, Ўзбекистон

Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола, жумладан 10 та илмий мақола республика ва 4 та илмий мақола хорижий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, амалиётга тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, тадқиқотнинг вазифалари, тадқиқотнинг объекти, тадқиқотнинг предмети, тадқиқотнинг услублари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи боби беш қисмдан иборат. «Касаллик кўзғатувчиларини ўрганиш тарихи» деб номланган биринчи қисмда қорамоллар пироплазмидозлари кўзғатувчиларини (пироплазмоз, тейлериоз, бабезиоз) ўрганиш борасидаги хорижий ва Республикамиз илмий-тадқиқотчиларининг адабиёт манбалари таҳлили берилган. «Пироплазмидозларнинг эпизоотологияси» деб номланган иккинчи қисмда қорамоллар пироплазмидозларининг эпизоотик ҳолати, тарқалиш жараёни, мавсумий динамикаси, пироплазмидозларнинг эпизоотик занжири тўғрисидаги хорижий ва Республикамиз олимларининг илмий-тадқиқот ишларининг натижалари таҳлили баён қилинган. «Пироплазмидозларни даволаш ва кимёвий профилактикаси» деб номланган учинчи қисмда *Boophilus calcaratus* кўзғатувчисига қарши янги бир неча ўнлаб дори-дормонларнинг терапевтик ва профилактик хусусиятлари ўрганилганлиги натижасида қатор даволаш ва олдини олиш усул ва воситалари яратилганлиги, ҳамда амалиётга татбиқ этилган препаратларни тадқиқ қилиш борасидаги хорижий ва республикамиз олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг қисқача таснифи келтирилган. «Пироплазмидозларнинг махсус профилактикаси» деб номланган тўртинчи қисмда бир қатор хорижий давлат олимлари томонидан қорамолларнинг пироплазмидозларини олдини олиш учун патогенлиги физик, биологик ёки кимёвий услубларда кучсизлантирилган кўзғатувчилардан тайёрланган иммуноген хусусиятли материаллар ҳақида баён этилган. «Пироплазмозга

қарши иммунизация усули» деб номланган бешинчи қисмида қорамолларнинг пироплазмоз ва бабезиоз касалликларини иммунизация қилишда хориж ва ватанимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар ишлаб чиқилган, бир неча хил иммунизация қилиш услублари ва бу воситаларни қўллаш натижалари ёритилган.

Диссертациянинг «**Хусусий тадқиқотлар**» деб номланган иккинчи бобида «Тадқиқот материаллари ва услублари» келтирилган бўлиб, бунда тадқиқот жойи, объекти ва услублари ҳақида баён этилган. Илмий тадқиқот ишлари 2012-2021 йиллар давомида Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг Протозоология лабораторияси ва Жиззах вилоятининг чорвачилик хўжаликларида бажарилган. Қорамолларнинг пироплазмоз, тейлериоз, бабезиозини даволаш ва профилактика қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотларда эпизоотологик, клиник, паразитологик, гематологик текшириш усулларидан фойдаланилганлиги келтирилган. Пироплазмозга қарши *P. bigeminum* штаммидан олинган махсус профилактик воситанинг ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича тадқиқотлар лаборатория шароитида касаллантирилган қорамолдан ажратилган штаммлар асосида олиб борилган.

Диссертациянинг «**Жиззах вилоятнинг турли хил географик ҳудудларида пироплазмидозларнинг эпизоотик ҳолати ва вилоят ҳудудларида пироплазмидозларни тарқатувчи каналар фаунаси**» деб номланган учинчи бобида пироплазмоз ва бабезиоз бўйича эпизоотик ҳолатни ўрганиш, спонтан касал қорамоллардан штаммлар ажратиш бўйича тажрибалар Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов, Пахтакор, Дўстлик ва Ғаллаорол туманлари хўжаликларида клиник ҳамда паразитологик текширувлар натижасида амалга оширилган. Ёз мавсуми давомида хўжаликлардаги мавжуд қорамоллардан пироплазмидозларни тарқатувчи *Voophilus calcaratus*, *Hyalomma anatolicum* ва *Hyalomma detritum* каналари теришиб, уларнинг авлоди ва тури аниқланган. Топилган каналарнинг фаунаси ва биологияси, пироплазмалар билан зарарланиш ҳолати лаборатория шароитида (эксикаторда) генерацияси олиниб, тажриба ҳайвонларида тўйинтириш усуллари билан ўрганилган.

2016-2017 йиллар давомида Жиззах вилоятининг Ш.Рашидов тумани «Умид-Б» ва «Ж.Пирматов» фермер хўжалиги, Пахтакор тумани «Истиқлол» ҳамда Ғаллаорол туман «Тоза Уруғ» фермер хўжалигига қарашли яйловларида боқилаётган қорамоллар орасида пироплазмидозларнинг тарқалиши, клиник белгилари, дифференциация қилиш усуллари тадқиқ қилинган. Туманлар ветеринария статистик ҳисоботларига кўра, пироплазмоз ёки бабезиоз тўғрисида маълумотлар топилмаган, аммо ветеринария мутахассисларининг далилларига қараганда ушбу чорвачилик хўжаликларида тейлериоз, пироплазмоз ва бабезиоз билан йилига касалланган кўплаб қорамоллар кузатилиши аниқланган. Ушбу маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида «Умед-Б» фермер хўжалигидаги


мавжуд 65 бош қорамолдан – 30, «Жавохир» Пирматов» хўжалигидаги мавжуд 82 бош қорамолдан – 30, Истиклол фермер хўжалигидаги 105 бош қорамолдан – 30 ва «Тоза Уруғ» фермер хўжалигидаги мавжуд 220 бош қорамоллардан 30 бошидан қон суртмалари олинди. Олинган қон суртмалари лаборатория шароитида паразитологик текширувлардан ўтказилди.

Олиб борилган паразитологик текширувлар натижасида «Умед-Б», хўжалигидан олинган 30 нусха қон суртмасидан - 6, «Ж.Пирматов» хўжалигидан олинган 30 нусхадан - 5, «Истиклол» хўжалигидан олинган 30 нусхасидан 4 тасида пироплазмалар топилди. «Тоза Уруғ» хўжалигида мавжуд қорамолларнинг 12 тасида тейлериялар топилди, пироплазмалар эса топилмади, бунинг сабаби хўжаликдаги қорамоллар яйловларда эмас, балки қир-адирли ҳудудда, турғун уй шароитида сақланиб боқилади. (1-жадвал, 1-расм).

#### 1-жадвал.

#### Жиззах вилоят ҳудудларида қорамоллар пироплазмидозларини эпизоотик текширишлар натижаси

| Т.р. | Худуд   | Қорамол<br>бош сони | Олинган<br>қон<br>суртма | Пироплазма<br>(%)   | Бабезия<br>(%) | Тейлерия<br>(%)  |
|------|---|---------------------|--------------------------|---|----------------|--|
| 1    | Ш.Рашидов<br>тумани<br>Умед-Б<br>фермер<br>хўжалиги     | 65                  | 30                       | 6 нусха қон<br>суртмасида<br>пироплазма<br>топилди -<br>20% | -              | 8 нусха қон<br>суртмасида<br>тейлериялар<br>топилди -26% |
| 2    | Ш.Рашидов<br>тумани<br>Ж.Пирматов<br>фермер<br>хўжалиги | 82                  | 30                       | 5 нусха қон<br>суртмасида<br>пироплазма<br>топилди-<br>16%  | -              | 7 нусха қон<br>суртмасида<br>тейлерия<br>топилди<br>-23% |
| 3    | Пахтакор<br>тумани<br>Истиклол<br>фермер<br>хўжалиги    | 105                 | 30                       | 4 нусха қон<br>суртмасида<br>пироплазма<br>топилди-<br>13%  | -              | 9 нусха қон<br>суртмасида<br>тейлериялар<br>топилди -30% |
| 4    | Ғаллаорол<br>тумани<br>Тоза Уруғ<br>фермер<br>хўжалиги  | 220                 | 30                       | -   | -              | 6 нусха қон<br>сурт масида<br>тейлерия<br>топилди -20%   |



**1-расм. Қорамоллар пироплазмидозларининг эпизоотик кўрсаткичлари**


Қорамоллар пироплазмидоз касалликларини тарқатувчи каналар ареалини ўрганиш бўйича ёз мавсуми давомида вилоятнинг Ш.Рашидов тумани «Умед-Б» фермер хўжалиги ва «Ж.Пирматов» фермер хўжалигида, Пахтакор тумани. «Истиклол» фермер хўжалиги ва Ғаллаорол тумани «Тоза Уруғ» фермер хўжаликларида тадқиқотлар олиб борилди. Натижада яйлов худуди бўлган «Умед-Б» фермер хўжалигида 30-32 фоизгача *B.Calcaratus*, *H.anatolicum*, Ж.Пирматов фермер хўжалигида 28 фоизгача *B.Calcaratus* ва 18 фоизгача *H.anatolicum* қон сўрувчилари билан каналанганлиги аниқланди. Мазкур хўжаликларда *H.detrutum* каналари кузатилмади. Шу билан бир вақтда суғориладиган-ўзлаштирилган Пахтакор тумани «Истиклол» фермер хўжалигида 12% *B.Calcaratus*, 10% *H.anatolicum* ва *H.detrutum* каналари билан каналанмаганлиги, Ғаллаорол туманининг қир-адир худудида жойлашган «Тоза Уруғ» фермер хўжалигида *B.Calcaratus* учрамаслиги, *H.anatolicum* билан 12%, *H.detrutum* билан эса 20% қорамоллар каналанганлиги аниқланди (2-жадвал ва 2-расм).

Шундай қилиб, Ш.Рашидов тумани яйлов худудларида ва Пахтакор туман ўзлаштирилган-суғориладиган худудларда *B.Calcaratus*, *H.anatolicum* каналари, Ғаллаорол туман қир-адир худудларида эса *H. anatolicum* ва *H.detrutum* каналари тарқалганлиги аниқланди.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ш.Рашидов ва Пахтакор туман худудларида пироплазмоз, бабезиоз ва тейлериозга қарши, Ғаллаорол тумани худудларида эса фақат тейлериозга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жориш этиш муҳим аҳамият касб этади.

**Жиззах вилоят хуудларида пироплазмидозларни тарқатувчи каналар ареали**

| Т.р | Хўжалик                                      | Текширилган қорамол сони | <i>B.calcaratus</i> % | <i>H.anatolicum</i> % | <i>H.detrutum</i> % |
|-----|--|--------------------------|-----------------------|-----------------------|---------------------|
| 1   | Ш.Рашидов туман «Умед-Б» фермер хўжалиги     | 65                       | 32                    | 30                    | -                   |
| 2   | Ш.Рашидов туман «Ж.Пирматов» фермер хўжалиги | 82                       | 28                    | 18                    | -                   |
| 3   | Пахтакор туман «Истиклол» фермер хўжалиги    | 105                      | 12                    | 10                    | -                   |
| 4   | Ғаллаорол туман «Тоза Уруғ» фермер хўжалиги  | 220                      | -                     | 12                    | 20                  |



**2-расм. Қорамолларнинг пироплазмидозларни тарқатувчи каналар билан каналаниш ҳолати**

Диссертациянинг «Пироплазмозга қарши махсус профилактик воситалар» номли тўртинчи бобида пироплазмоз кўзғатувчиси билан юктиришнинг минимал дозаси, биологик, кимёвий ва физикавий услубларда патогенлиги кучсизлантирилган пироплазмидоз кўзғатувчилари томонидан қорамол организмини касалликдан профилактика қилиш хусусиятлари,

иммунитет давомийлиги, *Piroplasma begimum* uz штаммидан тайёрланган махсус воситанинг қорамол организмига турли хил таъсири, лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида махсус профилактик воситанинг касалликдан ҳимоя қилиш самарадорлиги ҳақида баён қилинган.

Хусусан ушбу бобнинг «**Пироплазмоз кўзгатувчиси билан юктиришнинг минимал дозасини аниқлаш**» номли биринчи қисмида ўтказилган тадқиқотлар натижасида 150000 микроб тана миқдорида юктирилган тажриба қорамолларида 21 кун давомида кузатув натижасида пироплазмозни клиник белгилари ва периферик қон томирларидан олинган суртмаларида паразитар реакция намоён бўлмаган. 300000, 1500000, 3000000 микроб танаси билан юктирилган тажриба қорамолларида эса юктиришдан кейин 8-9 кунлари тана ҳароратининг ошиши, периферик қон томирларидан олинган суртмаларида паразитар реакциянинг намоён бўлиши кузатилган. Тажрибалар натижасида пироплазмоз билан касал қорамолдан олинган қон билан касалликка мойил қорамолни юктириш дозаси 1 мл (300000 микроб танаси) ни ташкил қилиши аниқланган.

Диссертациянинг «**Кимёвий препарат ёрдамида патогенлиги кучсизлантирилган пироплазма кўзгатувчисининг профилактик хусусияти**» номли қисмида соғлом қорамолга криобанкда сақланаётган патоген пироплазма штамми бўлган қон билан териси остига 20 мл юбориб юктирилган. Натижада тажрибадаги ҳайвонда пироплазмознинг клиник белгилари, тана ҳароратининг 40,6-40,8<sup>0</sup>С гача кўтарилиши, иштаҳасининг йўқолиши, шиллиқ пардаларининг оқариши, гемоглобинурия ҳолатининг юз бериши каби клиник белгилар пайдо бўлган. Периферик қон томирларидан олинган суртмаларда паразитар реакция кузатилгач, «Ўзбикарб» препаратининг кичик дозасида кунора икки марта 1,5 мг кг дозада қорамолнинг териси остига юбориб даволанган. Касалланган қорамол «Ўзбикарб» препарати билан даволаниб соғайгандан сўнг, орадан 30 кун ўтгач вена қон томиридан 100 мл қон олиниб, ушбу қон билан эмланган бошқа қорамол организмида ҳосил бўладиган иммун жавоб реакцияни аниқлаш учун 12 бош қорамолда тажриба ўтказилган. Пассив иммунитет турғунлиги ва давомийлигини аниқлаш учун ҳар гуруҳда 3 бошдан 4 гуруҳга ажратилган 12 бош қорамолда тажриба ўтказилган. Олинган қон билан тажрибадаги қорамолларнинг 1-гуруҳига 1,0; 2-гуруҳига 3,0; 3-гуруҳига 5,0 ва 4-гуруҳига 10 мл.дозада тери остига эмланган.

Эмланган қорамолларда 21 кун давомида клиник ва паразитологик текшириб борилган. Бу муддат ичида 1-2-гуруҳ қорамолларида пироплазмознинг клиник белгилари ва қонда паразитар реакция намоён бўлмаган, 3-4-гуруҳ қорамоллари эса эмлашдан кейин 10-12-кунлари ипироплазмознинг клиник белгилари ва қонда паразитар реакция намоён қилиб касалланган. Хулоса қилиш мумкинки, кимёвий препарат билан патогенлиги кучсизлантирилган (фалажланган) пироплазмалар билан бошқа қорамолни эмлаш ҳайвон организмида касалликка қарши маълум даражада иммунитет ҳосил қилиши аниқланган.

**«Пироплазмоз билан касалланиб ўтган қорамол материали**

**эмланган қорамолларда иммунитет давомийлиги»** қисмида ҳар гуруҳда 3 бошдан 4 гуруҳ қорамолларда тажриба ўтказилган. Тажрибадаги соғлом қорамолларга пироплазма юқтирилгач, касалланиб соғайган қорамолдан (паразит ташувчилик ҳолати) олинган қон билан териси остига 1,0 мл дозада эмланган. Иммунитетни давомийлигини ўрганиш мақсадида иммунизация қилинган 1-гуруҳ 3 ойдан кейин, 2-гуруҳ 6 ой ва 3 гуруҳ 12 ойдан кейин пироплазмоз билан касалланган қорамолдан олинган қон билан териси остига 20 мл дан юбориб юқтирилган. Тадқиқотлар натижасида иммун материал билан 3-6 ойдан кейин эмланган 1-ва 2-гуруҳ қорамоллари касалланмаган, 12 ойдан кейин эмланган 3-гуруҳ қорамолларида эмлашдан кейин 9-10 кунлари пироплазмознинг клиник белгилари ва периферик қон томирларидан олинган қон суртмаларда паразитар реакция намоён бўлган. Шундай қилиб, пироплазмоз билан касалланиб соғайган қорамол қони билан эмланган соғлом қорамолларда пассив иммунитет турғунлиги ва давомийлиги 6 ойгача бўлган муддатни ташкил қилиши аниқланган.


**«Piroplazma begimum uz штаммидан тайёрланган махсус профилактик воситанинг технологик регламенти»**, деб номланган қисмида пироплазмоз билан касал қорамолдан олинган қон намуналари ВИТИ радиобиология лабораториясида ГУБЭ-6000 қурилмаси ёрдамида гамма нурлари билан (Кобальт-60) 18; 25; 35; 50 ва 75 Krad дозаларда 30 дақиқа давомида нурлантирилган ва шу услубда пироплазмозга қарши *Piroplazma begimum uz* штаммидан физикавий услубда махсус профилактик восита тайёрланган.

**«P.begimum uz штаммидан тайёрланган махсус профилактик воситанинг зарарсизлиги ва эмбриотоксик хусусиятлари»** ни аниқлаш учун тажрибалар ҳар гуруҳда 3 донадан 5 гуруҳга ажратилган оқ сичқонларда олиб борилган. Ҳар бир гуруҳдаги оқ сичқонлар махсус профилактик восита билан 1 мл дан териси остига инъекция қилинган. Кузатувлар давомида инъекция жойида йирингли ёки асептик шишлар, организмида ҳолсизликлар юзага келмаган ва лаборатория ҳайвонлари 15 кун давомида тирик қолган ва препаратнинг зарарсизлиги аниқланган. Ишлаб чиқилган махсус профилактик восита криоконсервация қилинган ва кейинги тадқиқотлар учун тайёр ҳолатга келтирилган. Пироплазмозга қарши махсус воситанинг эмбриотоксик хусусиятини ўрганиш мақсадида 3 бошдан 2 гуруҳга ажратилган 6-8 ойлик бўғозликдаги сигирларда тажрибалар олиб борилган. Тажрибадаги 1-гуруҳ қорамоллари махсус профилактик восита билан 1 мл териси остига эмланган. 2-гуруҳ қорамоллари назорат сифатида эмланмаган. Эмланган 6-8 ойлик бўғоз сигирлар организмида эмлашдан кейин бехолликлар, инъекция жойида йирингсиз ёки йирингли шишлар кузатилмаган. Эмлангандан кейин сигирларда туғиш вақтигача клиник кузатувлар ва гематологик текширувлар олиб борилган. Сигирлардан ўз муддатида соғлом бузоқлар туғилган, натижада махсус воситанинг бузоқларнинг эмбрионал ривожланишига таъсири йўқлиги аниқланган.

**«P.begimum uz штаммидан тайёрланган махсус профилактик воситанинг соғин сигирлар сут маҳсулдорлигига таъсири»** қисмида


тажрибалар 3 бошдан 2 гуруҳга тақсимланган 6 бош соғин сугирларда олиб борилган. Тадқиқотлар натижасига кўра, тажриба ва назорат гуруҳидаги сугирларида махсус восита қўллашдан олдин сут бериш ўртача 5-6 литрни ташкил қилган бўлса, махсус восита қўлланилгандан кейин сут миқдори 3-7 литр, 30-60 кунлари 5-6 литрни ташкил қилган (3-4-расм).

**1-тажриба гуруҳи**



**3-расм. Пироплазмозга қарши махсус профилактик воситанинг соғин сугирлар сут маҳсулдорлигига таъсири**

**2-назорат гуруҳи**



**4-расм. Пироплазмозга қарши махсус профилактик воситанинг соғин сугирларнинг сут маҳсулдорлигига таъсири**

Шундай қилиб тажрибаларда *P. bigeminum* уз штаммидан тайёрланган махсус восита соғин сигирларнинг сут маҳсулдорлигига салбий таъсир қилмаслиги аниқланган.

**«*P. begimum* уз штаммидан тайёрланган махсус профилактик воситанинг реактогенлик хусусияти»** қисмида суюлтирилган азотда (-196°) криоконсервация шароитида сақланган махсус профилактик воситанинг реактогенлик хусусиятини ўрганиш бўйича экспериментал тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 5 гуруҳ қорамолларда ўтказилган. Тажрибадаги 1-гуруҳ 18 Krad, 2-гуруҳ 25 Krad, 3-гуруҳ 35 Krad, 4-гуруҳ 50 Krad, 5-гуруҳ қорамоллари 75 Krad дозада ГУБЭ-6000 қурилмаси ёрдамида гамма нурлари билан (Кобальт-60) нурлантирилган махсус профилактик восита билан териси остига 1 мл дан эмланди. Тажрибадаги қорамолларда ҳар куни клиник ва паразитологик текширувлар олиб борилди. Тадқиқотлар натижасида 18-25 Krad дозада гамма нурлари билан нурлантирилган *P. begimum* уз штаммидан тайёрланган махсус воситанинг реактогенлик хусусияти юқори даражада бўлиши, 35 Krad миқдорида гамма нурлари билан нурлантирилган махсус воситанинг реактогенлик хусусияти йўқлиги ва шу билан бир вақтда 50-75 Krad миқдорида нурлантирилган махсус воситада штаммнинг касаллик кўзғатиш хусусияти йўқлиги аниқланган.

